

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Й.Солижонов

Ҳамза Ҳакимзода шеъриятида лирик қаҳрамоннинг такомиллашув жараёни 85

Ғ.Усмонов., З.Жўраева., Н.Набиева

Хорижлик адабиётшунос олимларнинг жадид адабий меросига муносабати хусусида 88

С.Мамаюсупова

Шукур Холмираев ижодида мақол ва матал муносабатлари 91

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Ганиева

Ўзбек тилидаги феъл фразеологизмларда бўлишли-бўлишсизлик категорияси 95

Ф.Абдурахмонов

Замонавий рус тилида уч актантли феълларнинг структурали-семантик хусусиятлари 98

Д.Газиева

Матнни функционал-услубий жиҳатдан ўрганиш 103

Н.Аббосова

Инглиз мақол ва маталларини ўргатишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали услублари 107

М.Ҳакимова

Абстракт сўзларнинг синонимия муносабатлари 111

Ҳ.Солихўжаева

Ўзбек тилидаги фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар хусусида 116

Ш.Матназаров

Ўзбек тилидаги қишлоқ хўжалиги лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши 119

Н.Умарова, Н.Абдувалиева

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони назмий ва насрый вариантларидағи айрим тафовутлар 122

Ф.Қосимова

«Тиб қонунлари» (Абу Али Ибн Сино) асарида келтирилган касаллик номлари ва уларнинг ўзбек, инглиз тилларидаги ўзига хос лингвокультурологик жиҳатлари 126

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Р.Мамасолиев, Р.Солиев

Олий таълимда чет тили фанларини ўқитишининг замонавий асослари 130

Ш.Алимов, М.Нурматова

Чет тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш 133

Д.Ҳайдарова

Чет тили дарсларида синфни бошқариш стратегиялари 136

З.Бобоева, И.Пўлатов

Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари 140

ИЛМИЙ АҲБОРОТ

Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Холдоров, Н.Пўлатов

Толали материалларни тозалаш агрегати колесники панжарасининг ишлаб чиқаришдаги синов натижалари ва самарали конструкцияси 143

А.Юсупова, З.Муқимова, Х.Иброҳимова

Математика дарсларида стохастик компетенцияни шакллантириш 147

Р.Маджидова

Оиласий қадриятларни изоҳловчи мақолларнинг аксиологик аҳамияти 149

М.Мадаминова

Абу Райхон Беруний – адабиётшунос 152

М.Юсупова

Навоий образининг янгича талқини 155

Х.Рахматиллаев, С.Соҳибов

Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши тизимида турли ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар 158

УДК: 41+(079.1)

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФЕСТИВАЛЬ НОМЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ГЕОРТОНИМЛАР
ХУСУСИДА**

**О ГЕОРТОНИМАХ, ВЫРАЖАЮЩИХ НАЗВАНИЯ ФЕСТИВАЛЕЙ НА УЗБЕКСКОМ
ЯЗЫКЕ**

ON HEORTONYMS, DENOTING FESTIVALS NAMES IN UZBEK LANGUAGE

Ҳ.Солихўжаева

Аннотация

Мақолада ўзбек тили замонавий фестивалларни ифодаловчи геортонимларнинг лисоний таснифи берилган ва лексик-семантик, мотивацион, лингвокультурологик хусусиятлари ёритилган.

Annotation

In this article the linguistic classification of heortonyms expressing modern festivals names in the Uzbek language is shown.

Таянч сўз ва иборалар: геортоним, фестиваль, лисоний тасниф, лексик-семантик, лингвокультурологик, мотивация, мотив, лугавий асос, лугавий маъно, ономастик вазифа.

Ключевые слова и выражения: геортоним, фестиваль, лингвистическая классификация, лексико-семантическая, лингвокультурологический, мотивация, мотив, лексическая основа, лексическое значение, ономастическая функция.

Keywords and expressions: heortonym, festival, linguistic classification, lexic-semantic, lingvo-cultural, motivation, motive, lexical meaning, onomastic function.

Ономастикага оид терминологияд луғатларда ҳар қандай байрам, фестиваль, хотира кунлари ва ана шундай маросим ҳамда тадбирларнинг атоқли отлари **геортоним** (юн. *eortn* – георто + опота – атоқли от)лар, деб юритилади [1,24].

Геортонимларга фестивалларнинг атоқли номлари ҳам киради. Фестиваль (пот. *festivus* – қувноқ) – мусиқа, театр, кино, эстрада, цирк санъати ютуқлари кўригидан иборат оммавий байрам. Фестиваль илк бор XVIIIаср бошларида Буюк Британияда юзага келган. XX асрдан халқлараро кенг тарқалган [2,225].

Истиқлол йилларида ўзбек тили геортонимияси бир қанча фестиваль номлари билан бойиди, натижада ўзбек тилида фестиваль сўзининг маъно кўлами ва доираси кенгайди, китобхонлик, фольклор, миллий хунармандчилик, пазандачилик ва спорт соҳаларига доир фестиваллар ҳам ўзбек халқи ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётидан кенг ўрин олди: “Олтин куз” (2016), “Мажнунтол” – гитара ва муаллифлик қўшиқлари фестивали (2016), “Келажак юлдузлари” (2016), “Мен сөвган ўзбек таоми” I халқаро пазандачилик фестивали (2016), “Ипак ва зираворлар” (2017), “Ҳаво

шарлари” фестивали (2017), “Дебют – 2018”, “Ўзбегим” миллий қадриятлар фестивали” (2018), “Рақс сехри” (2018), “Бухоро шаҳри куни” (2018), “Чимён чангиси фестивали” (2018), “Буюк ипак йўли” (2018), “Нурли наволар” халқаро фольклор фестивали (2018) каби.

Ўзбек тилидаги фестиваль номларини ифодаловчи геортонимларни лексик-семантик жиҳатдан қуйидагича гурухлаш мумкин:

I. Санъат фестиваллари: “Болалар санъати – 2000” халқаро фестивали, “Шарқ дурданалари”анъанавий санъат фестивали (2018), “Шарқ марвариди” Ўзбекистон анъанавий санъат халқаро фестивали (2017, Самарқанд) каби.

Бу турга мансуб фестиваллар қандай санъат турига мансублигига кўра ўз ичидаги қуйидаги гурухларга бўлинади:

1. Фольклор (халқ оғзаки ижоди) фестиваллари: “Халқ ижодиёти” фестивали (1994 йилдан бошланган), Наврӯз умумхалқ байрами муносабати билан ташкил этилган “Талабалик баҳори” миллий фольклор ва театр фестивали (2016 йил 18 марта, Тошкент

Ҳ.Солихўжаева – НамДУ таянч докторантни.

ТИЛШУНОСЛИК

тиббиёт академиясида), “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор фестивали (2018, Фарғона), “Нурли наволар” халқаро фольклор фестивали (2018), “Насриддин Афанди” фестивали (2018, Бухоро), “Бойсун баҳори” фестивали (Сурхондарё, 2018, 28-29 апрель) каби.

2. Кино фестиваллари: “PROlogue” – 2018 халқаро кино фестивали(2018, Тошкент), “Шум бола – 2018” кино фестивали (Тошкент) каби.

3. Театр фестиваллари: “Дебют – 2018” кўрик фестивали, “Тошкент театр фестивали” (2018, Тошкент). “Сени куйлаймиз, замондош” (2017, Тошкент) каби.

4. Мусиқа фестиваллари: “Наврӯз садолари” фестивали (2016, Самарқанд), “Мажнунтол” – гитара ва муаллифлик қўшиқлари фестивали (2016, Тошкент), “Ёшлик баҳори” ёш опера ижрочилари республика кўрик фестивали (2018, Тошкент) каби.

5. Рақс фестиваллари: “Рақс сеҳри” халқаро фестивали(2018, Хоразм), “Ёшлик завқи” балет ва замонавий рақс республика фестивали (2018, Тошкент), “Рақслар сеҳри” халқаро фестивали (2018, Хива), “Замонавий рақслар ”фестивали (2019, Тошкент) каби.

II. Милий қадрятлар ва анъаналар фестивали: “Ўзбегим” миллий қадриялар фестивали (2018, Тошкент), “Қадрият, урғодат, анъана ва ёшлар” фестивали (2018, “Барҳаёт анъаналар” фестивали (2015, Тошкент) каби.

III. Экофестиваллар: “Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши” халқаро экофестивали, (2017, Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ тумани), “Олтин куз” халқаро санъат фестивали (2016) каби.

III.Харбий фестиваллар: “Марду майдон” кўрик-танлови фестивали(2018, Тошкент) каби.

IV. Маданият фестиваллари: “Асрлар садоси” (2009) анъанавий маданият фестивали, “Дўстлик ва маданият” фестивали (2014, Тошкент).

V. Ҳунармандчилик фестиваллари: “Бухоро ҳунармандлари” фестивали (2017, Бухоро), “Шахрисабз – ҳунармандлар шахри” фестивали (2018, Қашқадарё), ҳунармандлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, туризмни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини

таъминлашга хизмат қилаётган Марғилон ҳунармандчилигини ривожлантириш марказида ҳар йили ўтилди “Атлас байрами” фестивали (Марғилон, 2018), “Кулоллар фестивали” (2018, Фарғона вилояти Риштон тумани) каби.

VI. Халқ ўйинлари ва спорт фестиваллари: “Алломиши” I Республика халқ ўйинлари фестивали (1998, Термиз), “Алломиши” II Республика халқ ўйинлари фестивали (2000, Фарғона), “Тўмарис” қизлар миллий фестивали (1999, Жиззах), “Наврӯз” кубоги фестивали (2016, Тошкент), “Келажак юлдузлари – 2016” фестивали (2016, Қарши), “Ҳар бир болага меҳр-эътибор” спорт фестивали (2017 йил 1 июнь, Тошкент,), «Ҳаво шарлари фестивали”(2017, Қашқадарё), “Чимён чанғиси”фестивали (2018, Чимён), “Соғлом оила” спорт фестивали (2019), “Аёллар спорти” фестивали(2019), “Нафосат олами” спорт рақси фестивали (2019, Тошкент) каби.

VII. Гастрономик (таомлар) фестиваллар: “PILAF-FEST” 1-миллий палов фестивали (2013, 18-19 апрель, Тошкент), “Тасанно – 2014” миллий таомлар фестивали. “Мен севган ўзбек таоми” I Халқаро пазандачилик фестивали (2016, Тошкент), “Мен севган ўзбек таоми” I Халқаро пазандачилик фестивали (2016, Тошкент), “Ипак ва зираворлар” фестивали (2017, Бухоро), “Ипак йўли таъми” миллий таомлар фестивали (2017, Тошкент), “Палов сайли” фестивали (2017, Бухоро, Наманган), “Тасанно – 2018” халқаро таомлар фестивали, “Орол балиқларидан 99 турли таомлар” гастрономик фестивали (Нукус) каби.

VIII. Маънавий-маърифий фестиваллар: “Янги авлод” Республика болалар ижодиёти фестивали (2008, Тошкент), “Болалар фестивали” (2014 йил 18-19 сентябрь кунлари Ўзбекистон бўйлаб), “Китоб байрами”, “Болалар китоблари” анъанавий республика фестивали (2018, Тошкент), “Ёшлик” фестивали (2018, Тошкент), “Ёш ватандошлар” фестивали (2018, Тошкент), “Интернет.UZ” 1-миллий интернет-фестивали(2017, Тошкент), “Келажак овози” (2018, Тошкент), “Шарқ атиргули” болалар ва ёшлар халқаро фестивали (2018, Тошкент) каби.

Ўзбек тилидаги фестиваллар санъат турлари, мавзу кўлами (“Аэронавтика фестивали”, “Атлас байрами” фестивали, “Рақс сехри” халқаро фестивали), ўтказилиш ўрни (Бухоро шаҳри куни фестивали, “Шаҳрисабз – хунармандлар шаҳри”, “Тошкент қуёши” мотофестивали), мавсуми (“Бойсун баҳори” фестивали), миллий, халқона анъаналар ва қадриятлар (“Ўзбегим” миллий қадриятлар фестивали, “Шарқдурдоналари” фестивали) мотивацияси асосида номланаган.

Фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар куйидаги лингвокультурологик, социолингвистик ва прагмалингвистик вазифаларни бажаради:

1. Маълум мусиқа, рақс, қўшиқ, театр, кино, эстрада, цирк санъати ва маънавий, миллий оммавий байрамни ифодалайди, атайди.

2. Маълум фестивални бошқа худди шундай тадбирлардан фарқлайди.

3. Фестивалларнинг тарқалиш ареали, мавзуси ва турини кўрсатади.

4. Фестивалларнинг яшовчанлиги ва бардавомлигини таъминлайди.

5. Ўзи атаётган фестивални реклама қилади, тарғиботчи вазифасини бажаради.

6. Маълум соҳа мутахассислари, соҳиблари, санъаткорларни муайян мақсадда бирлаштириш ва жамлашга хизмат қилади.

Фестивалларнинг атоқли отлари ҳақидаги фикру мuloҳазаларимизни қуйидаги таҳлиллар ҳам тасдиқлайди.

“Ҳазрати палов” фестивали – ўзбек миллий пазандачилигини оммалаштириш мақсадида 2015 йилдан бери ҳар йили турли мамлакатларда хайрия тадбири сифатида

ўтказилади. Мазкур геортонимга ўзлашма ҳазрат апеллятивининг “улуғ”, “буюқ” семалари миллий таом номи луғавий асос қилиб олинган.

“Бойсун баҳори” – Сурхондарё вилояти халқи, қолаверса, бутун ўзбек халқи учун миллий қадрият рамзига айланган халқаро фольклор фестивали.

2001 йилда Бойсун тумани ЮНЕСКО томонидан «Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари» рўйхатига киритилган эди. 2002 йил 13–14 май кунларида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистондан ташриф буюрган халқ ижроҷилари иштирокида Сурхондарё вилоятининг Бойсун шаҳрида халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтади. Демак, “Бойсун баҳори” геортоними ўтказилиш ўрни (Бойсун) ва вақти (баҳор фасли)га нисбат бериш асосида ҳосил қилинган.

“Шарқ марварид” Ўзбекистон халқаро санъат фестивали. Мазкур геортонимга метафорик «марварид» сўзи форсчадан ўзлашган бўлиб, «қимматбаҳо донача; садағ»ни англатади. Дунёга донғи достон бўлган кўҳна Самарқанд заминини дурга қиёспаш асосида юзага келган. Геортонимга Шарқнинг дур, инжуси маъносини англатувчи тасвирий ифода луғавий асос бўлган.

Таҳлиллардан кўринадики, фестивалларни ифодаловчи геортонимлар ўзи мансуб халқнинг санъати, маданияти, маънавий-маърифий ҳаёти, хунармандчилиги, миллий қадриятлари, анъаналари ривожи ва такомили ҳамда тараққиёти ҳақида ҳам маълумотлар берувчи лисоний бирликлар ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. . – 9-ж. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).